



UzAssets

2025 yil 28 iyul

№ 39-P

Toshkent sh.

BUYRUQ

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” akциядорлик жамиятида хизмат текширувларини ўтказишни тартибга солиш тўғрисида

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 19 июлдаги 23-161-сонли “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги марказий аппарати, вазирлик хузуридаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар ҳамда вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида хизмат текшируви ва ўрганиш ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги буйруғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятида (кейинги ўринларда – Жамият) хизмат текширувларини ўтказишни ташкил этиш тартибини белгилаш юзасидан ишлаб чиқилган “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятида хизмат текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият ходимлари ушбу буйруқ билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя этиши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Коррупцияга қарши комплаенс хизмати (Х.Худайбердиев), Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ, шахсга оид, шунингдек, ваколатли идоралар томонидан олинган хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотларни ошкор этмаслик, тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида хизмат текшируви далолатномаси, шунингдек иш жилдидаги мавжуд ҳужжатлардан нусха олинишига ёки бошқача усулда берилишига йўл қўйилмаслигини;

хизмат текшируви далолатномаси “хизмат доирасида фойдаланиш учун” грифли ҳужжат эканлигини инобатга олиб, хизмат текшируви далолатномаси ва тўпланган ҳужжатлар ваколатига кирмаган ҳамда тааллуқли бўлмаган шахсларга таништирилмаслигини;

хизмат текшируви ва ўрганишларни ўтказиш ҳамда ташкиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими – фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандартининг талаб ва тавсияларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

5. Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича мутахассис (И.Хусенов) ушбу Буйруқ ва унинг иловасидаги Низом барча ходимларнинг эътиборига етказилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 19 июлдаги 23-161-сонли буйруғи.

Бошқарув раиси



Б. Абдиназаров

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятида хизмат
текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятида (кейинги ўринларда – Жамият) хизмат текширувларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда халқаро ташкилотлар таклифлари ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жаҳон тажрибаси, шу жумладан, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими – фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандартининг талаб ва таклифлари ҳисобга олинган.

3. Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

хизмат текшируви – ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини, унинг содир этилишида ходимнинг айбини, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни, иш берувчига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган текширув;

хизмат текшируви далолатномаси – хизмат текширувини ўтказишга жалб этилган ходимлар томонидан текширув натижаси бўйича тузилиб, раҳбар томонидан тасдикланадиган ҳужжат;

хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия – камида уч нафар аъзодан иборат, хизмат текширувини ўтказиш вазифаси юклатилган вақтинчалик коллегиял орган;

мутахассис – хизмат текширувига жалб этиладиган муайян йўналиш бўйича етарли тажриба, билим ва ҳолатга объектив, ҳаққоний баҳо бериш қобилиятига эга бўлган Жамият ходими;

таклиф қилинган мутахассис – четдан жалб қилинадиган, хизмат текширувини ўтказиш жараёнида Жамият ваколатига кирмайдиган бошқа йўналишлар бўйича ўз хулосасини берувчи ва юзага келган муаммо ечимида

амалий ёрдам кўрсатувчи (шифокор, педагог, таржимон, илмий-техника воситалари ва бошқа соҳалар бўйича) мутахассис.

2-боб. Хизмат текшируви ўтказишни ташкил этиш

4. Хизмат текширувларини ўтказишдан мақсад:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият ички ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳолисона ва тўлақонли ўрганиш;

содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларига Жамият ходимларининг алоқадорлик (тўлиқ ёки қисман), айбдорлик даражасини аниқлаш;

ходимнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳар томонлама ҳолисона баҳо бериш орқали ҳуқуқбузарлик содир этган ходимга нисбатан тегишли жазо чорасини қўллаш юзасидан Жамият раҳбариятига таклифлар киритиш;

содир этилган ҳуқуқбузарликлар келгусида такрорланишининг олдини олиш бўйича тегишли профилактик тадбирлар ўтказиш;

хизмат текширувида аниқланган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, Жамиятнинг амалдаги ички ҳужжатларида аниқланган номутаносибликлар, қарама-қаршилиқларни бартараф этиш, уларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таъминлаш ҳамда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида Бошқарув раиси (Бошқарув раиси йўқ вақтида истисно тариқасида зиммасига раиснинг ваколатлари юклатилган шахс) буйруғи қабул қилинади.

6. Бошқарув раисининг тегишли буйруғи билан хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) тузилади.

7. Комиссия таркиби камида уч нафар аъзодан иборат бўлади, уларнинг бир нафари комиссиянинг раиси ҳисобланади. Комиссия таркибига қасаба уюшмаси қўмитасининг аъзоси мажбурий тартибда киритилади.

8. Комиссия раиси комиссия ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради. Комиссия раисининг ўтказилаётган хизмат текшируви доирасидаги қонуний талаблари комиссия аъзолари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Комиссия раиси хизмат текширувини ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш сифати, унинг натижалари, далолатномалари ҳамда таклифларининг ҳолислиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Хизмат текширувини ўтказишга комиссия ишига Жамиятнинг бошқа ходимлари мутахассис сифатида жалб қилиниши ва уларнинг хизмат текшируви предмети бўйича тушунтиришлари ва кўрсатмалари олиниши мумкин.

9. Хизмат текшируви далолатномаси Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

Барча хизмат текширувлари тегишлилиги бўйича Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс хизмати томонидан назорат қилиб борилади ҳамда ушбу хизмат текширувлари тўлақонли ўтказилмаган деб топилган тақдирда қайта хизмат текшируви ўтказилиши мумкин.

10. Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс хизмати томонидан ўтказилиши белгиланган хизмат текширувлари бевосита мазкур хизмат ходимлари томонидан ўтказилади ва бошқа ходимлар зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

11. Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс хизмати ва унинг ходимларига нисбатан ўтказиладиган хизмат текширувида жалб қилинадиган масъуллар Бошқарув раиси ва Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

12. Хизмат текшируви далолатномаси ва тўпланган ҳужжатлар Бошқарув раисининг розилиги билан белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёхуд суд органларига юборилади (бундан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суднинг сўровига асосан ўтказилган хизмат текшируви материаллари ҳамда қонунбузилиш факти ўз тасдиғини топган ҳолатлар мустасно).

3-боб. Хизмат текшируви ўтказишни тайинлаш учун асос

13. Хизмат текширувини ўтказиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:
- а) ходимларга нисбатан ҳамда ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари;
 - б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан ходимларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан келиб тушган мурожаатлар;
 - в) ходимлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини кўпол бузадиган, моддий зарар келтирадиган ёки тизим ташкилотларини обрўсизлантиришга олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги ҳолатлари;
 - г) ходимларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларида ёритилган танқидий ёки салбий тусдаги кўрсатув ва мақолалар;

д) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда судлар томонидан ходимларнинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан киритилган тақдимнома, хусусий ажримлар ҳамда бошқа ҳужжатлар;

е) ходим томонидан ички меҳнат тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузиш (жумладан, иш вақтида алкоголь, токсик ва психотроп моддалар таъсирида бўлиш) ҳолатлари;

ё) ўтказилган ўрганишлар ҳамда ялпи тафтишлар давомида аниқланган қўпол хато ва камчиликлар ҳамда жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар;

ж) хизматда фойдаланиш учун берилган автотранспорт воситаларини ишдан ташқари шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳолатлари;

з) давлат сирларини ёки бошқа қонун билан қўриқладиган сирларни камраб олувчи маълумотлар ёки тарқатиш доираси чегараланган, махфий маълумотлар мавжуд ҳужжатлар, ҳужжатлар мажмуи ҳамда хизмат доирасидаги ҳужжатлар билан ишлаш, улардан фойдаланиш ва сақлаш тартибини бузиш ҳолатлари;

и) ходим томонидан Жамият мол-мулкига зарар етказиш ҳолатлари, шунингдек Жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид равишда ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатлари;

й) Бошқарув раисининг топшириқлари ҳамда Бошқарув раиси ўринбосарларининг билдиргилари.

14. Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс хизмати томонидан баҳолаш натижасида коррупциявий хавфи юқорилиги аниқланган тузилмалар фаолияти ёки соҳалар бўйича Бошқарув раисининг топшириғига асосан хизмат текшируви тайинланиши мумкин.

4-боб. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

15. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссия таркиби, комиссияга жалб қилинадиган мутахассислар ва таклиф қилинган мутахассислар таркиби, шунингдек хизмат текширувини ўтказиш муддати Бошқарув раиси томонидан белгиланади.

Хизмат текширувига Жамиятнинг камида уч нафар ходими жалб қилиниши лозим.

16. Хизмат текшируви муддати давомида ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим иш жараёнидан ва ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда вақтинча четлаштирилиши мумкин.

17. Хизмат текширувини ўтказиш муддати 15 (ўн беш) иш кунидан ошмаслиги керак.

Хизмат текшируви белгиланган муддатда, объектив сабабларга кўра тугаллаш мумкин бўлмаган алоҳида ҳолларда, Бошқарув раиси комиссиянинг асослантирилган важлари асосида хизмат текширувини ўтказиш муддатини яна 15 (ўн беш) иш кунигача узайтиришга ҳақлидир.

18. Хизмат текширувида қуйидаги ҳолатлар аниқ, ҳолисона ва меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда текширилиши шарт:

ҳуқуқбузарлик ёки бошқа салбий ҳолатларнинг содир этилган вақти, жойи, усуллари, воқеа тафсилотлари, қайси қонун, меъёрий ҳужжат, буйруқ ва кўрсатма талаблари бузилганлиги;

хизмат текширувига алоқадор ходимларнинг қонунбузарликка ёки бошқа турдаги салбий ҳолатларга дахлдорлиги ҳамда унга йўл қўйилишининг сабаблари;

ходимларнинг жавобгарлик даражаси, айбини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги, айбини оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларининг мавжудлиги;

ҳолат содир этган ходимнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатлари, муқаддам ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги ёки амалдаги қўлланилган интизомий жазо чоралари, оилавий аҳволи, шунингдек, унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатлар;

салбий ҳолат содир этилишига имкон яратиб берилганлиги, унинг шарт-шароитлари, олдини олиш чоралари кўрилган ёки кўрилмаганлиги;

ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этган ходимларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳуқуқий баҳо берилиши;

ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги натижасида етказилган зарар ҳажми.

19. Бошқарув раисининг топшириғига мувофиқ алоҳида ҳолларда, хизмат текширувини ўтказишга комиссия ишига шартнома асосида эксперт сифатида таклиф қилинган мутахассислар жалб қилиниши, шунингдек уларнинг ҳолат юзасидан маълумоти ёки хулосалари олиниши мумкин.

20. Ўтказилган ҳар бир хизмат текшируви якуни бўйича далолатнома расмийлаштирилиб, ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ва у фаолият юритаётган тегишли таркибий бўлинма (департамент, бошқарма, алоҳида бўлим) бошлиғи таништирилади.

Ўтказилган хизмат текшируви якуни бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан Жамият юридик хизмати томонидан ҳуқуқий хулоса берилади.

21. Хизмат текшируви далолатномаси тегишли қарорни қабул қилиш учун овоз берган комиссия аъзолари томонидан имзоланиши керак. Хизмат текширувининг натижалари ҳақидаги қарордан рози бўлмаган комиссия

аъзоси хизмат текшируви далолатномага илова қилинадиган ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир.

Хизмат текшируви далолатномаси қуйидаги тўрт қисмдан иборат бўлади:

кириш қисми – хизмат текширувини ўтказиш учун асос ва кимга нисбатан қайси ҳолат бўйича ўтказилаётганлиги, хизмат текширувига жалб қилинган ходимлар ва мутахассисларнинг исм-фамилияси ва лавозими аниқ акс эттирилиши лозим;

таъриф қисми – мазкур Низомнинг 22-бандида қайд этилган ҳолатлар, шу жумладан, ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш сабаблари бўйича маълумотлар тўлиқ акс эттирилиши лозим;

хулоса қисми – хизмат текшируви жараёнида тўпланган ҳужжатлар, далил ва исботлар асосида ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши ҳамда бу ҳолатда ходимнинг айбдорлик даражаси юзасидан кетма-кетликда якуний фикр қайд этилади;

таклиф қисми – ходимга нисбатан интизомий таъсир чораси қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги, содир этилган ҳуқуқбузарликни бартараф қилиш, келгусида такрорланмаслиги учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бўйича таклифлар берилади.

22. Хизмат текшируви далолатномасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходим тўғрисидаги (ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаган лавозими, Жамиятдаги иш стажи, илгари содир этилган интизомий ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жазонинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги) маълумотлар;

хизмат текширувини ўтказган комиссия таркиби;

хизмат текширувини ўтказиш асослари;

ходимнинг интизомий қилмиш содир этганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;

интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг тушунтиришларида кўрсатилган вазлар, тушунтириш беришдан бош тортган ҳолларда эса ушбу ҳақидаги маълумот;

ходимнинг интизомий қилмиш содир этганлиги ҳолатлари ва унинг оқибатлари;

ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун унинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки истисно этувчи материаллар;

интизомий қилмиш натижасида ходим томонидан Жамиятга етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори (агар шундай зарар мавжуд бўлса).

Хизмат текшируви далолатномасининг яқунловчи қисмида хизмат текшируви натижасида комиссия келган хулосалар шакллантирилган бўлиши керак.

Ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги факти тасдиқланган тақдирда, хизмат текшируви далолатномасида ходимни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, ходим иш берувчига ҳақиқатдан тўғридан-тўғри зарар етказганлиги факти аниқланган тақдирда эса моддий жавобгарликка ҳам тортиш ҳақида иш берувчига йўлланган таклифлар, шунингдек, меҳнат интизомини кучайтиришга, ходимлар томонидан интизомий қилмишлар содир этишга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, профилактика хусусиятига эга бўлган тавсиялар мавжуд бўлиши керак.

Агар хизмат текширувини ўтказиш натижасида ходимнинг интизомий қилмиш содир этилганлиги фактининг мавжуд эмаслиги ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айби йўқлиги аниқланса, хизмат текшируви далолатномасининг яқунловчи қисмида ходимга нисбатан асоссиз шубҳаланиш учун имкон берган сабаблар ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига монелик қилаётган ҳақиқий сабаблар кўрсатилиши керак.

Агар комиссия хизмат текширувини ўтказиш учун ходимнинг шаънига, кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи нотўғри маълумотлар асос бўлганлигини аниқласа, хизмат текшируви далолатномасининг яқунловчи қисмида ушбу маълумотларни рад этиш ҳақидаги тавсиялар бўлиши керак.

Агар хизмат текшируви натижалари бўйича мажбурий ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноят аломатлари аниқланса, хизмат текшируви далолатномасида текширув материалларини тегишли давлат органларига юбориш ҳақидаги таклифлар кўрсатилади.

23. Хизмат текшируви далолатномаси тўпланган материаллар билан бирга Бошқарув раисига комиссия қарори қабул қилинганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмай топширилиши керак.

24. Бошқарув раиси:

хизмат текшируви ўтказиётган комиссия таркибидаги ходимларнинг билим даражаси ва тайёргарлигини текшириш;

улар томонидан хизмат текшируви доирасида бажарилаётган вазифалар ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўғри ўтказилаётганлигини назорат қилиш;

хизмат текшируви бўйича кўшимча кўрсатмалар бериш, хизмат текширувини ўтказишни бошқа ходимга топшириш;

хизмат текширувида шахсан иштирок этиш ёки жараёни назорат қилиш учун масъул тайинлаш ваколатига эга.

25. Хизмат текшируви далолатномаси “хизмат доирасида фойдаланиш учун” грифли ҳужжат ҳисобланиб, хизмат текшируви далолатномаси ва тўпланган ҳужжатлар ваколатига кирмаган ҳамда тааллуқли бўлмаган шахсларга берилмайди ва таништирилмайди.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” Қонуни талабларига мувофиқ шахсга оид, шунингдек, ваколатли идоралар томонидан олинган ҳамда хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотларни ошкор этмаслик, тарқаб кетишининг олдини олиш мақсадида хизмат текшируви далолатномаси ва иш жилдидаги мавжуд ҳужжатлардан нусха олинишига ёки бошқача усулда берилишига йўл қўйилмайди.

27. Хизмат текшируви далолатномаси ҳамда унинг якуни бўйича тўпланган ҳужжатлар ижроси таъминланганлиги тўғрисидаги ахборотлар билан бирга алоҳида йиғма жилдга тикилади.

Хизмат текшируви далолатномаси ҳамда унинг якуни бўйича тўпланган ҳужжатлар ижроси таъминланганлиги тўғрисидаги ахборотлар билан бирга алоҳида йиғма жилд хизмат текшируви якунидан сўнг 15 (ўн беш) кун ичида Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс хизматида тақдим қилинади.

28. Ўтказилган хизмат текширувларининг ҳисоби Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс хизмати томонидан олиб борилади ҳамда алоҳида жилдларга тикилган ҳолда 5 йил давомида сақланади.

5-боб. Хизмат текшируви ўтказаетган комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

29. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларга ёзма шаклда тушунтиришлар тақдим этишни, шунингдек, хизмат текшируви масалаларининг моҳияти юзасидан бошқа ахборотни маълум қилишни таклиф этиш;

хизмат текшируви жараёнида аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида бирор-бир маълумотдан хабардор бўлиши мумкин бўлган ходимларга улар юзасидан ёзма тушунтиришлар беришни таклиф этиш;

агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувида халақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, хизмат текшируви вақтида ходимни ишдан четлатиш тўғрисида Бошқарув раисига таклифлар киритиш;

хизмат текширувини ўтказиш учун муҳим бўлган ҳужжатлар билан танишиш ва зарурат бўлганда уларнинг кўчирма нусхаларини хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим фойдаланадиган хизмат ва ишлаб чиқариш хоналарини, шу жумладан, унинг иш жойини, жой участкаларини, омборларни, столларни, жавонларни, папкаларни ва махфий ахборотни ташувчи жисм мавжуд бўлиши мумкин бўлган бошқа предметларни Бошқарув раисининг розилиги билан кўздан кечиришни амалга ошириш, шунингдек, Бошқарув раисининг розилиги билан махфий ахборот мавжуд бўлган барча жисмларни ҳамда уларнинг келиб тушиши ва ҳаракатланишини акс эттирувчи ҳисобга олиш ҳужжатларини (ҳисобга олиш дафтарлари ва журналларини) текшириш;

инвентаризация, тафтиш, аудит ўтказиш ҳақида илтимоснома киритиш; илмий, техникавий ва бошқа махсус билимларни талаб этадиган масалалар бўйича таклиф этилган мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳамда улардан маслаҳат олиш;

интизомий қилмиш содир этилганлиги факти аниқланган тақдирда, ушбу интизомий қилмиш содир этилган сана ва вақтни, интизомий қилмишни содир этган ходимнинг жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир қиладиган, унинг айбини ҳам оғирлаштирадиган, ҳам енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳужжат билан тасдиқлаш;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг шахсий, ишбилармонлик ва ахлоқий сифатларини тавсифловчи ҳужжатлар ва материалларни тўплаш;

илгари ўтказилган хизмат текшируви материалларини, шунингдек, ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан илгари содир этилган интизомий қилмиш тўғрисидаги ахборотни ўрганиш;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга текширувга бевосита алоқадор бўлган масалаларнинг моҳияти юзасидан тушунтириш беришни таклиф қилиш, у тушунтириш беришни рад этган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиш;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлигига гувоҳ бўлганлар хизмат текшируви жараёнида аниқланган тақдирда, уларни сўроқ қилиш;

Бошқарув раисига меҳнат мажбуриятларининг аниқланган ва бартараф этилиши талаб қилинадиган бузилишлари ҳақида дарҳол хабар бериш;

ходимнинг интизомий қилмишни содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чораларни таклиф қилиш.

30. Комиссиянинг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

хизмат текшируви ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Жамиятнинг ички идоравий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

комиссия фаолиятини қонунийлик, адолатлилик, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари устуворлиги, профессионаллик, лаёқатлилик, виждонийлик, ходимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси принциплари асосида ташкил этиш;

қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;

хизмат текшируви материалларининг бут сақланишини ва махфийлигини таъминлаши, текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслиги;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимни хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан таништириш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;

хизмат текширувини ўтказиш муддатларига риоя қилиш;

хизмат текшируви ўтказилишининг бориши ҳақида Бошқарув раисини хабардор қилиш, Бошқарув раисининг қонуний талабларини бажариш;

олинган маълумотлар ошкор этилмаслигини ва сир сақланишини таъминлаш;

хизмат текшируви ўтказилаётган вақтда ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг, хизмат текширувида иштирок этиш учун жалб қилинган бошқа ходимлар, мутахассислар ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш;

Бошқарув раисига хизмат текширувида аниқланган ноқонуний хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, меъёрий-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатлар талабларининг бузилиши, салбий ҳолатларнинг содир этилиши сабаби ва омиллари бўйича ўз вақтида ахборот бериш ва уларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар киритиш;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимни хизмат текшируви далолатномаси билан имзо қўйдириб таништириш, танишишни рад этган ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйишни рад этган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиш;

аниқланган хато ва камчиликлардан келиб чиққан ҳолда бевосита айбдор раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо турларини аниқ кўрсатиш;

хизмат текшируви жараёнида ҳолатга тааллуқли бўлган қўшимча далиллар, асосларни текширишга қабул қилиб олиб, уларни ҳолисона ўрганиб чиқиш;

хизмат текшируви далолатномасига кўра қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиш;

хизмат текширувини ўтказишда коррупциявий ҳолатларга ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар.

6-боб. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

31. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хизмат текшируви нима сабабли ўтказилаётганини билиш;

комиссия аъзоларини рад этиш тўғрисида арз қилиш;

хизмат текшируви масалалари бўйича ёзма тушунтиришлар бериш ёки тушунтириш беришдан бош тортиш;

хизмат текшируви ўтказилиши давомида илтимосномалар бериш;

хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш учун ҳужжатлар, ашёвий далиллар тақдим этиш;

гувоҳларни хизмат текшируви ўтказилиши давомида кейинчалик уларни сўровдан ўтказиш учун тақдим этиш;

хизмат текшируви материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар ва нусхалар олиш;

хизмат текшируви далолатномаси билан танишиш;

комиссиянинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан яқка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тартибда шикоят қилиш.

32. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

қонунчиликка ва Жамият ички идоравий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

комиссия аъзоларининг қонуний талабларини бажариш;

хизмат текширувига оид ҳужжатларни ўз вақтида, тўлиқ тақдим этиш;

содир этилган қонунбузилиш ҳолатининг моҳияти бўйича оғзаки кўрсатмалар, шунингдек, ёзма тушунтириш бериш.

33. Ходим ўз шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотни рад этиш учун хизмат текшируви ўтказилишини талаб қилишга ҳақли.

Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги ариза Бошқарув раисига ёзма шаклда берилади ва у тақдим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

34. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ўзига берилган ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши, хизмат текшируви ўтказилишига монелик қилмаслиги, шу жумладан, хизмат текширувида иштирок этишдан бўйин товламаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш йўли билан монелик қилмаслиги шарт.

7-боб. Хизмат текшируви ўтказишда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш

35. Қуйидаги шахслар хизмат текшируви ўтказишда комиссия аъзоси, мутахассис ёки тақлиф қилинган мутахассис сифатида жалб қилинмайдилар: хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган мансабдор шахс;

ҳаракатлари текширилиши зарур бўлган ходимлар бўйсунувидаги ходимлар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан қариндошлик алоқаларида бўлган шахслар;

хизмат текшируви натижаларидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши мумкин бўлган шахслар, шу жумладан, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига ёки интизомий қилмишнинг яширилишига дахлдор эканлиги тўғрисида асосланган гумонлар мавжуд бўлган шахслар;

мурожаати хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлиб хизмат қилган шахслар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар.

36. Манфаатлар тўқнашуви вужудга келганда ёки келиши мумкин бўлган ҳолатларда хизмат текшируви ўтказишга жалб қилинган ходим Бошқарув раисига текширишда қатнашишдан озод этишни сўраб асосланган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилиши шарт.

Бошқарув раиси хизмат текширувида жалб қилинган ходимнинг мурожаатини асосли деб ҳисобланган тақдирда уни бошқа ходим билан алмаштириш чорасини кўради.

37. Хизмат текшируви давомида комиссия томонидан хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган ҳолатларга комиссия аъзоларидан бири алоқадорлиги аниқланган тақдирда комиссия раиси ушбу комиссия аъзосини

зудлик билан текширувдан четлаштириши ва комиссия таркибига бошқа ходимни жалб қилиш бўйича Бошқарув раисига таклиф киритиши шарт.

8-боб. Жавобгарлик

38. Хизмат текшируви далолатномаси хизмат текшируви натижаси бўйича айбдор деб топилган шахсни ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

39. Хизмат текшируви ўтказилишида мазкур Низом талабларига амал қилмаган ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

9-боб. Яқуний қондалар

40. Хизмат текширувлари далолатномалари ҳамда тўпланган барча маълумотларнинг белгиланган тартибда тўғри расмийлаштирилишига комиссия масъул ҳисобланади.